

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 91 (10.396)

2005 ЙИЛ 11 МАЙ

ҲАМКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан
10 май куни Корея Республикаси Президенти Но Му Хён давлат ташрифи
билан Ўзбекистон Республикасига келди.**

Шу куни «Дўрмон» қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Корея Республикаси Президенти шарафига фахрий қорувул саф тортди. Икки мамлакат байроқлари кўтарилиб, давлат мадҳиялари янгради. Ислам Каримов ва Но Му Хён фахрий қорувул сафи олдида ўтдилар.

Президентларнинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон-Жанубий Корея ҳамкорлигининг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилди.

Ўзбекистон раҳбари савдо-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқаро сибатга доир масалаларда мамлакатларимизнинг қарашлари ўхшаш эканлигини ва бу ўзаро алоқаларни кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Жанубий Корея раҳбарининг Ўзбекистонга давлат ташрифига Сеул Тошкент билан муносабатларни янада кенгроқ ривожлантиришдан манфаатдорлигининг далолати сифатида қаралаётгани қайд этилди.

Но Му Хён Ўзбекистонга таклиф этгани учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини таҳлил этиш, истиқболда ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан бафур-

жа фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида халқаро террорчилик ва экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, айниқса, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги ҳамкорлиги ҳозирги шароит нуктаи назаридан кўриб чиқилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида Ислам Каримов ва Но Му Хён асосий эътиборни савдо-иқтисодий масалаларга қаратдилар. Ўзбекистон Жанубий Кореяни ўзининг энг ишончли шерикларидан деб билади. Савдо ва сармоя борасида у нафақат Осиё қитъаси, балки дунё микёсида олганда ҳам мамлакатимизнинг асосий ҳамкорларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Жанубий Кореянинг юқори технологиялар, электроника, автомобилсозлик, тўқимачилик, машинасозлик каби соҳалардаги ютуқларини ўзлаштиришдан, биргалликда янги-янги йирик иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан манфаатдор. Мамлакатимизнинг кончилик, металлургия саноатида Корея сармоясини жалб этиш икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг сиёсий ва ижтимоий соҳада изчиллик билан амалга ошираётган илохотларини юксак баҳолайди, иқтисодий юксалишларини қўллаб-қувватлайди. Корея раҳбарияти Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, хориж сармоядорлари учун яратилган қулай шароитни ҳисобга олган ҳолда, ўзаро иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жанубий Корея Марказий Осиё ва МДХ мамлакатлари бозорларига чиқишда ҳам юртимиз имкониятларидан фойдаланишдан манфаатдор.

Музокарада Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар изчил ривожланиётгани қайд этилди. 2004 йили ўзаро савдо ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 41 фоиз ўсиб, 430 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Айни вақтда юртимизда ўзаро шерикликда тузилган 127 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар автомобилсозлик, электроника, енгил саноат каби иқтисодийнинг муҳим тармоқларида иш юритиб, замонавий, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Бу корхоналарнинг Ўзбекистон экспортидаги улуши ҳам салмоқли.

Давоми 2-бетда.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг расми эътиб Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси бўлиб ишлаб келган Мирза-Улуғбек Элчиёвич Абдусаломов сайланди.

ЎЗА

XXVI савдоси

Барча маъблардан олдинга сўнги кабарлар

Мамлакатимизда

• Тошкентда МДХ ва бошқа хориж давлатларидан келган етук мутахассислар иштирокида республика онкологларининг биринчи Қурултойи бўлиб ўтди.

• Фаллаорол туманида бунёд этилаётган «Маржон суви» фахрийлар сўхатгоҳининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Хотира ва Кадрлаш кўни санаторий илк даволанувчиларни - 50 нафар отахон ва онахонни қабул қилди.

• «Самарқанд чой қадоқлаш корхонаси» масъулияти чекланган жамияти Хитой, Ҳиндистон ва Шри-Ланкадан келтирилган олий нав кўк ва қора чойни қадоқлашга киришди. Корхона фаолияти қайта йўлга қўйилгач, бу ерда 300 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

• Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Халқ рассоми Леким Иброҳимовнинг «Мовароуннахр» номли кўргазмаси очилди.

• Кўкондаги «Саодат-М» масъулияти чекланган пилла-уруғчилик жамияти янги ҳосилни қабул қила бошлади.

Жаҳонда

• Москвада Россия - Европа Иттифоқининг 15-саммити очилди.

• Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти /ОПЕК/ президенти, Кувайт энергетика вазири Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ нефть қазиб олиш ва экспорт қилишга қўйиладиган чекловлардан воз кечиш таклифи билан чиқди.

• Кеча Индонезиянинг шимолий қисмидаги Суматра оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,6 баллга тенг зилзила содир бўлди. Ҳозирча табиий офат натижалари ҳақида маълумотлар йўқ.

• Хитой маъмурлари 2008 йилда Пекин шаҳрида ўтказилган Олимпиада халқаро террорчилар учун бош нишонга айланиши мумкинлигини таъкидламоқдалар. Шу сабабдан Хитой бошқа мамлакатлар билан террорчиликка қарши кураш борасида жипс ҳамкорликни амалга ошириш ниятида.

Шаҳрим - фахрим

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

**БУ УЙ МЕНИКИ, БУ ШАҲАР
МЕНИКИ, БУ ЮРТ МЕНИКИ, ДЕГАН ФИКР ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМИЗ БЎЛСИН**



Яхшилик унутилмайди, деганлари рост. Бирор яхшилик ҳақида ўйлаганингда хаёлинга нурли хотиралар келади. Баъзан фикрлай туриб шу қадар тўқинланиб кетасанки, қувончнинг ичинга сизгиролмай уни кимлар биландир баҳам кўргинг келади. Айниқса, бу яхшилик ўз тугилиб ўсган кадрдон она юртинг, ўзинг яшаб турган пойтахт шаҳринг билан боғлиқ бўлса янада кадрли, янада фахрли туюлади сенга.

Бугун биз тилга олмоқчи бўлган яхшилик ҳақида ҳам матбуот нашрларида ўзига хос чиқишлар қилинди ва қилинмоқда. Хусусан, бизнинг газетамиз ҳам имкон қадар уни кенгроқ ёритишга ҳаракат қилди. Лекин мавзунинг долзарблиги, унинг замирида пойтахт, умуман юрт ободончилиги йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларга хос яхши ишлар ётгани учун бу хайрли юмушга яна бир бор қайтишни лозим топдик. Зеро, Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида билдирган, ҳар биримизни юрт ободлиги йўлида фидойий бўлишга ва яхши иш-

ларга ундовчи: «Агар ҳар қайси инсон бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса— бу менинг бахтим ва бойлигим, деган фикр билан яшаса биз ўз мақсад-муддаоларимизга шунчалик тезроқ эришамиз», деган гаплари барчамизнинг дилимиздаги она Ватанга бўлган туйғуларимизни янада кучайтиради юборди. Демак, яхшилик ҳақидаги бу фикрлар қал-



бимиздан чуқур жой олган экан, бу хусусда қанча ёзсақ, қанча бонг урсак ҳам оз. Масалан, бу гапнинг нақадар тўғрилигини биргина Эски шаҳар мисолида кўрадикан бўлсак, у ўз-ўзидан исботини топади.

Давоми 4-5-бетларда.

ПОЙТАХТНИНГ
Дир Кўни
Янгиликлар, воқеалар

Кўнра
Сўнра

ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Биргина «ЎзДЭУавто» кўшма корхонасининг махсулотлари нафақат Ўзбекистон, балки МДХнинг бошқа кўлаб мамлакатларида ҳам жуда харидорғир. Хориж матбуоти маълумотларига қараганда, ўтган йилнинг биринчи чорагида Россияда «ЎзДЭУавто»нинг 6 мингдан зиёд автомобили сотилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 15 мингдан ошган. Айни пайтда «ЎзДЭУавто» махсулотлари Россияда энг кўп сотилаётган хориж автомобиллари орасида биринчи ўринда турибди.

Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг 28 йирки фирма ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатаётгани ҳам диққатга молик.

Албатта, бундай самарадор ҳамкорлик мамнуният уйғотади. Лекин имкониятларни баҳолаб, ҳолисона айтадиган бўлсак, бу кўрсаткичлар икки томонни ҳам тўла қониқтирмаслиги равшан.

Жанубий Кореяда ишчи кучи нисбатан қиммат ва пахта етиштирилмайди. Юртимиздан пахта толаси Кореяга олиб кетилиб, тайёр махсулот ишлаб чиқариш ўрнига ускуналарни Ўзбекистонда ўрнатиб, хомашё шу ерда қайта ишланса, ҳар икки мамлакат нечоғли катта фойда қўришни ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Қолаверса, тайёр махсулот Фарбий Осиё, МДХ ва айрим Европа мамлакатларида Ўзбекистондан экспорт қилинса, транспорт харажатлари ҳам камайд.

Юқори технология ва электроника махсулотлари борасида ҳам шунга монанд фикрларни айтиш мумкин. Ҳозир дунёда, жумладан, аҳоли эҳтиёж доираси кенгайиб бораётган МДХ мамлакатларида телефон, телевизор, радио, совутич ва турил-туман бошқа маиший жиҳозларга талаб тобора ўсмоқда. Бундай имкониятдан оқилона ва унули фойдаланиш икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Ўзбекистон-Корея муносабатларининг ривожланишига кенгрок доирадан қаралса, Жануби-Шарқий Осиё ва МДХдаги кўлаб минтақалар ўртасида алоқалар кенгайиши учун муҳим омил сифатида намоён бўлади. Шу боис музокарада тўқимачилик (Kabool) ва электроникада (Samsung ва LG) ҳам, автомобилсозлиги (DAEWOO) бошқа соҳаларда ҳам эришилган натижалар ҳали имкониятлар даражасида эмас-

лиги таъкидланди. Ишбилармонларнинг мулоқотларини кўпайтириш, ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Но Му Хёнга корейс ишбилармонларининг катта делегацияси ҳамроҳлик қилаётгани бежиз эмас. Ташриф асосида пойтахтимизда икки мамлакат иш одамларининг бизнес-семинари ўтказилиши ва муайян соҳалар бўйича иш режалари белгилаб олинishi мўлжалланмоқда.

«Дўрмон»даги музокараларда савдо алоқаларини ҳамда сармоа оқимини янада фаоллаштириш борасида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди ва бу борада келишувга эришилди.

Маданият ва санъат, илм-фан ва таълим, бошқа қатор соҳаларни ўз ичига олган ижтимоий мажмуага ҳам катта эътибор қаратилди. Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ижтимоий соҳадаги алоқалар ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Унинг йўлланмаси билан иқтисодиёт, тиббиёт, таълим каби муҳим соҳаларда хизмат қилаётган салкам 500 нафар юртдошимиз Кореядаги махсус курсларда малака оширди. Ўтган йили эса Тошкентда ахборот технологиялари маркази очилди. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намоёндалари ҳам биргаликда кўлаб тадбирларни ўтказиб келмоқдалар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Но Му Хённинг мамлакатимизга ташрифи Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги нишонланаётган кунларга тўғри келганида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Уруш йилларида минглаб корейликлар Ўзбекистондан паноҳ топганини, бағрикенг ўзбек халқининг саховатини корейс халқи асло унутмайди. Бугун корейс миллатига мансуб минглаб ўзбекистонликлар мамлакатимиз равнақи йўлида фаол меҳнат қилаётгани, Ўзбекистонни ўзининг Ватани деб билиши халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларида муҳим аҳамиятга эга. Халқларимизнинг бирдамлиги, шарқона таваққури ўзаро ишончли мустаҳкамлаб, хурматни ошириб, ҳамкорликни ҳар соҳада кенгайтириш учун муҳим омил бўлаётди.

Музокаралар якунида Президентлар Ислон Каримов ва Но Му Хён Ўзбекистон Республикаси билан Корея Респуб-

ликаси ўртасидаги Кўшма баёнотга имзо чекдилар.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ижтимоий таъминот тўғрисидаги, Ўзбекистонда миллий географик ахборот тизимини яратиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Энергетика ва минерал ресурслар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, Текстил технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро англашув меморандумларига ҳам қўл қўйилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари мулоқот ўзаро ишонч руҳида, ишчанлик кайфиятида ўтганини алоҳида таъкидладилар. Эришилган келишувлар икки мамлакат халқларининг манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

Жанубий Корея ялпи ички махсулот ҳажми жиҳатидан дунёда ўнинчи, экспорт бўйича 9-ўринда туради. Шу чоққа мамлакатларимиз ўртасида 25 ҳужжат имзоланган. Но Му Хённинг ташрифи давомида улар ёнига 14 янги келишув қўшилиши ташрифнинг юксак аҳамиятидан яна бир далолатдир.

— Жорий йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 600 миллион АҚШ долларига етади, дейиш учун барча асослар бор, — деди Ислон Каримов. — Биз Жанубий Корея сармоясини Ўзбекистон ҳудудидаги минерал захиралар, жумладан, нефть-газ қонларини топиш ва ўзлаштиришга ҳамда савдо, молия соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишга жалб этишни таклиф этдик.

Но Му Хён ташрифнинг дастлабки якунларидан мамнун эканлигини изҳор этди. Ислон Каримов икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришни таклиф этганини ва бу таклифни мамнуният билан қабул қилганини билдирди.

— Ўзбекистон биз учун муҳим аҳамиятга молик давлат, — деди Жанубий Корея раҳбари. — Халқаро майдонда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз икки томон учун ҳам фойдалидир.

Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА мухбири

ТОШКЕНТДА КОНФУЦИЙ ИНСТИТУТИ ОЧИЛДИ

Тошкент давлат шарқшунослик институтида (ТошДШИ) Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институтининг очилиш маросими бўлди.

2004 йилнинг июнида Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов билан Хитой Халқ Республикаси (ХХР) Раиси Ху Цзиньтао-нинг учрашуви чоғида Мазкур институти ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилган эди.

Мазкур ўқув муассасаси мамлакатимизда хитойшунос мутахассислар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг тингловчилари хитой тили, маданияти ва адабиёти билан янада кенгрок танишиш имкониятига эга бўладилар.

Таъкидламоқ жоизки, ТошДШИда 1977 йилдан буён хитой тили, адабиёти ва тарихи ўқитиб келинмоқда, Бугун ҳам институтида юздан зиёд талаба шу йўналишда тахсил олаётди. Бу ерда ХХРдан келган ўқитувчилар хитой филологияси асосларидан сабоқ берапти. Ҳар

йили ТошДШининг бир неча талабаси Хитой олий ўқув юрталарида малака ошириб қайтади.

Хитойда ҳам ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш катта. Жорий йилда Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлимини ташкил этиш режалаштирилган.

Янги институт икки мамлакат ўртасида таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимов, ХХРнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гао Юйшен иштирок этди.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

БМТнинг Тараққиёт дастури Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини кўлаб-қувватлаш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети салоҳиятини тақомиллаштириш" лойиҳасини амалга оширишга киришди.

УНИВЕРСИТЕТГА ГРАНТ

Яқинда имзоланган шартномага мувофиқ, мавжуд ахборот ва коммуникация технологиялари базасини замонавийлаштириш, профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда университет жамоасини касбий жиҳатдан тайёрлаш, ўқув режаси ва ўқитиш технологияларини тақомиллаштириш учун Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида 500 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратилади.

— БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Фикрет Акчуранинг таъкидлашича, Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган кўлаб бошқа лойиҳалар қаторида ушбу лойиҳа ҳам республика олий таълим тизими асосий тўлиқмалари ни технологик, малакали кадрлар билан таъминлаш ва илмий салоҳиятни янада кучайтиришга кўмаклашад.

Феруза ФУЛОМОВА
"Жаҳон" АА.

• **ЯККАСАРОЙ** туманидаги "Қушбеги" маҳалласида туман х. тин-қизлар қўмитаси, "Маънавият" марказининг туман бўлими, туман "Оила ва аёл" маркази ҳамкорликларида маҳалла фаоллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўлаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларни бажаришга бағишланган тадбир ўтказилди.

• **КЕЧА** 176-мактабда Яққасарой туман халқ таълими бўлими, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ҳамкорликларида "Қамолот" етакчилари иштирокида ўқув семинари уюштирилди.

• **ЎЗБЕКISTON** Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ўтказилган хайрия тадбири "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Учтепа туман Кенгаши томонидан ташкил этилди.

• **КЕЧА** Тошкент вилоят педагогика коллежида "Маънавият ва маърифат" марказининг Мирзо Улугбек туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир "Хотин-чироғи ўчмас" деб номланди.

• **УЧТЕПА** туман ҳокимлигида туман фаоллари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари учун уюштирилган тадбирда кексаларга муносиб донларнинг эҳдодлик совғалари топширилди.

• **ЎЗБЕКISTON** Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўта муҳим иншоотларни қўриқлаш бошқармаси қошидаги ҳарбий қисмда ёш аскарлар қасамёд қабул қилишди.

• **ФАҒУР** Фулом номидаги маданият ва истироҳат бондида уюштирилган "Барҳаёт сиймолар" мавзусида адабий кеча муайян соҳада, Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов хотирасига бағишланди.

• **СЕРГЕЛИ** туманидаги "Ўзғариш" маҳалласида маҳалла фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида хайрия тадбири ўтказилди.

• **АБДУЛЛА** Авлоний номидаги Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний ижодий фаолиятига бағишланган тадбир ўтказилди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институти раҳбарияти ташаббуси билан мазкур илм макани битирувчиларининг корхона, ташкилот, муассасалар вакиллари билан учрашуви уюштирилди. Мазкур тадбир "Мен қаерда ишламоқчиман?" деб номланди.

• **ФАҒУР** Фулом уй-музейида академик ёзуви Фағур Фулом таваққулининг 102 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда адиблар, шоирлар, адабиёт илосмандлари иштирок этишди.

• **ШАХРИМИЗДА** шифокорлар иштирокида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган анжуманда юқумли касалликлар тарқалишини назорат қилиш, ОИТС ва гивандликка қарши кураш масалалари муҳокама этилди.

• **ЮНУСОБОД** туман халқ таълими бўлими, туман ўқувчи ёшлар техник ижодий маркази ҳамкорликларида япон тили ва маданиятини ўрганишга қизиққан ёшлар учун ўқув курси ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Саъват

НАВБАТДАГИ
КУВНОК
АСАР

Ўзбекистон ёшлар театри навбатдаги кувнок спектаклини ўз мухлис-ларига тақдим этди. «Ошхона» деб номланган бу янги комедияда Америка ҳаётининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида хикоя қилинади. Бу жараён кучли воқеалар орқали очиб берилди.

Ушбу постановкани тайёрлаш учун америкалик актёрлар ҳам жалб этилди. Айни вақтда унда Тошкентдаги олий ўқув юрларида таҳсил олаётган бир неча истеъдод эгаси ҳам ролларни ижро этди. Улар ҳам ўз образларини инглиз тилида яратдилар.

«Ошхона» постановкаси томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда.

ИЖОБИЙ
БАҲОЛАНГАН
СПЕКТАКЛ

Маннон Уйгур номидаги Тошкент Давлат санъат институти саҳнасида намойиш қилинган постановкалар мавзуси ва жанри жиҳатидан ҳам бир-биридан ажралиб туради. Яқинда саҳналаштирилган комедия ҳам яхши кутиб олинди.

Олий ўқув юртининг рус актёрлик курси талабалари ижросида кўрсатилган бу асар диплом спектакли сифатида тақдим этилди. «Насриддиннинг бешта хотини» деб номланган мазкур постановка бўлажак ёш актёрларнинг ижодий ютуғи бўлди.

Спектаклга ишланган декорацияларда ҳам ёш истеъдод эгалари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. «Насриддиннинг бешта хотини» энг яхши диплом спектаклларидан бири сифатида баҳоланди.

«ЕВГЕНИЙ
ОНЕГИН»
САҲНАДА

Машҳур композитор Петр Чайковскийнинг қатор саҳна асарлари ўзбек томошабинларига ҳам яхши таниш. Унинг «Евгений Онегин» операси эса яқин орада Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри репертуаридан ўрин олади.

Кўзга кўринган режиссёр Андрей Слоним бошличилигида саҳна эзини кўрайдиган бу спектакл устида қизгин янги оқиб борилди. Операси янги режиссура талқинида томошабинларга тақдим этилаётган ушбу постановка машҳур композитор П. Чайковский таваллудининг 165 йиллигига бағишлаб саҳнага олиб чиқилмоқда.

Янги операда театрнинг етакчи актёрлари асосий ролларни ижро этадилар.

Акбар АЛИЕВ

Шу жумладан яқинда Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ва Мирзо Улугбек информатика касб-хунар коллежи ҳамкорлигида мазкур коллежда адиб таваллудига бағишлаб «Ойбек» наам ва наср устаси» деб номланган адабий-бадиий тadbир бўлиб ўтди.

Тadbирни Мирзо Улугбек информатика касб-хунар коллежи директори Асатилла Саннаев кириш сўзи билан очиб, севимли ва ардоқли адибимизнинг ижоди ва фаолиятига тўхталар экан, Ойбек — миллатни уйғотган адиб эканлиги, унинг чуқур мазмунга эга бўлган асарлари, жангдор шеърлари қалбларимиздан

Ойбек таваллудининг 100 йиллигига

НАЗМ ВА
НАСР УСТАСИ

Ўзбек адабиёти ва илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган атоқли адиб, академик, наам ва наср устаси Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланмоқда.

мангу ўрин олажаги, ёшлар Ойбек ижодини чуқурроқ ўрганишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, тadbирда ёзувчи ва шоир Мирзаев Аъзам сўзга чиқиб, Ойбек билан ишлаган йиллари тўғриси-

даги хотиралари, адибнинг одамийлиги, шогирдларига ниҳоятда ғамхўр бўлганлигини ўқувчиларга фахр билан сўзлаб берди. Шоира Зебо Мирзаева ҳам ўз сўзида ёш адабиёт ихлосмандлари, шoirлар Ойбекни ўзларига ус-

тоз деб билишларини таъкидлади ва ўз шеърларидан намуналар ўқиб берди. Тadbирда коллеж ўқувчилари дилбар куй-қўшиқлар, ғўзал рақслар, шунингдек Ойбек асарларидан саҳна кўринишларини намойиш этиб, адибнинг шеърый мактубларидан парчалар, шеърларидан намуналар ўқиб бердилар. Ниҳоятда қизиқари ва мазмунли ўтган тadbир ўқувчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

— Мана шундай маънавий-маърифий тadbирларни ёшлар орасида кўпроқ ўтказиб туриш керак, деб ўйлайман, — деди «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раҳбари Халима Жуманиёзова.

Дилором ИКРОМОВА

Мамлюклар

ЭНГ ЗУККО ЁШ
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

«Эй, фарзанд! Кундалик ҳаётда ортиқча сарф-харажатларга ружу кўймағил: зорликка олиб келгай. Бозор қоидаларини яхши ўргангил; вофирлик (тўқинчилик) эшигини очгай». Шарқнинг буюк алломаларидан бири Абу Наср Фаробий томонидан айтилган бу ибратомуз ўғит мана неча асрлардан бери ўзининг куч-қудратини, маъно-моҳиятини йўқотган эмас: бильякс, даврлар тўғриси ва эврилишларида сайқал топиб бугун ҳам маънавиятимизнинг ажралмас қисми сифатида яшаб келмоқда.

Шу маънода мамлакатимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган, кучли иқтисодий сўбат юргизилиб, замон талаблари билан ҳамоханг қадам ташланаётган, тарихий ўзгаришлар амалга оширилиб, ёшларимиз иқтисодий билимларни пухта ўзлаштираётган бир пайтда давлатимизнинг истеъмол маданиятини юқори босқичга кўтариш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу нуқтага назардан келиб чиққан ҳолда икки йилдан буён республикамиз умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Энг зукко ёш истеъмолчи» кўрик-танлови ўтказилиб келинаётганига табиий ҳол сифатида қараш мумкин. Негаки, ўз хуқуқ ва эркинликларини яхши билган, истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилувчи амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлардан яхши хабардор бўлган ўқувчилар эртанги куннинг етук шахслари сифатида шаклланишига шак-шубҳа йўқ.

Куни кеча пойтахтимизнинг муҳташам «Зарафшон» концерт залида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташаббуси билан Республика Халқ таълими вазирлиги ҳамда Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган «Энг зукко ёш истеъмолчи — 2005» II республика кўрик танловининг якуний босқичида бўлганимизда хаёлимиздан юқоридаги фикрлар ўтди.

Аввал хабар берилганидек, унда кўрик танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида иштирок этиб, якуний босқичда ҳам қатнашиш хуқуқини кўлга киритган 28 та иқтидорли, заковатли ва истеъдодли ўқувчилар иштирок этишди. Мазкур кўрик-танлов ўз қобилиятига ишонган, эртага истеъмолчи хуқуқлари ва маданияти борасидаги билимларнинг омма орасида кенгроқ ёйилишига ўз ҳиссаларини қўшишни мақсад қилиб олган ўқувчилар ўртасида соғлом рақобатни юзага келтира олаётганлиги билан эътиборли. Чунки, унинг турли босқичларидаги синовларда 250 миңдан зиёд 9-11 синф ўқувчилари зўр қизиқиш, кат-

тагина тайёргарлик билан иштирок этганлиги ҳам фикримизнинг яққол исботи бўла олади.

— Бугунги тadbиримизда иштирок этаётган ўқувчи-ёшларимизнинг деярли барчаси келажакда мамлакатимизда истеъмол маданиятини оширишга ўз улушини

кўшади, деб ўйлаймиз, — деди кўрик-танловнинг очилишида сўз олган Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси вазифасини бажарувчи Рустам Ҳакимов. — Негаки, донишмандларимиздан бири айтганидек, ёшликда эгалланган билим мисоли тошга ўйилган нақшдек ҳамма даврларга ҳам баб-баравар хизмат қилади.

Шундан кейин кўрик-танловнинг асосий қисми старт олиб, танлов Низомида белгилаб қўйилганидек, даврага тақдиф этилган 28 та ўқувчи илк шартга кўра яқка ҳолатда: шиори, рамзига таъриф беришди, саҳна кўринишлари намойиш этишди. Иккинчи босқич шартлари ҳам ўзининг мураккаблиги билан ажраллиб турди. Яъни унда иштирокчилар хатжилдларга солинган турли вазиятларга оид саволларнинг биронтасини танлаб унга жавоб бериши керак эди. Қузатувчилар ва мутахассислар фикрига таяниб айтадиган бўлсак, бу борада Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ўқувчи-ёшларининг билим ва малакалари устун эканлиги сезилди. Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилигига қаратилган охириги сигналларда ўқувчилар тест топшириқларини бажаришди.

Шу ўринда бу йилги кўрик-танлов иштирокчиларига мутасадди ташкилотлар томонидан алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Аниқроғи, Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Рустам Ҳакимов, донишмандларимиздан бири айтганидек, ёшликда эгалланган билим мисоли тошга ўйилган нақшдек ҳамма даврларга ҳам баб-баравар хизмат қилади.

Шундан кейин кўрик-танловнинг асосий қисми старт олиб, танлов Низомида белгилаб қўйилганидек, даврага тақдиф этилган 28 та ўқувчи илк шартга кўра яқка ҳолатда: шиори, рамзига таъриф беришди, саҳна кўринишлари намойиш этишди. Иккинчи босқич шартлари ҳам ўзининг мураккаблиги билан ажраллиб турди. Яъни унда иштирокчилар хатжилдларга солинган турли вазиятларга оид саволларнинг биронтасини танлаб унга жавоб бериши керак эди. Қузатувчилар ва мутахассислар фикрига таяниб айтадиган бўлсак, бу борада Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ўқувчи-ёшларининг билим ва малакалари устун эканлиги сезилди. Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилигига қаратилган охириги сигналларда ўқувчилар тест топшириқларини бажаришди.

риф буюриши, депутатлар билан учрашиши уларнинг ҳаётида бир умрлик ёрқин хотира бўлиб қолса ажаб эмас. Бундан ташқари танлов якунига бағишланган бадиий дастурда кичкинтойлар иштирокидаги «Баҳор» рақс дастаси, истеъдодли хонанда Абдумалик Азизовнинг дил тор-

тар қўшиқлари ва саҳна кўринишлар иштирокчилар томонидан илиқ кутиб олинганлигини таъкидлаш мумкин.

Тан олиб айтиш керак, иқтидорли ўқувчиларнинг ҳар бир чиқишларида кузатиб ҳолис баҳолаш Абдувоҳид Абдурашидов, Давронбек Шодибеков, Бобур Рашидов, Холида Мақсудова, Жаҳонгир Бобоев сингари соҳа билимдонлари иборат ҳайъат аъзоларига осон кечгани йўқ. Негаки, ҳар бир ўқувчининг кўзида, сўзида, хатти-харакатларида етуқлик нишонларини, билим ва истеъдод чўғларини сезиш қийин эмасди.

Ниҳоят интиқиб қутилган натижалар эълон қилинди. Ҳаяжонли дақиқалар оғушида биринчи ўрин соҳибаси деб Жиззах вилояти Охунбобоев номли мактаб ўқувчиси Нигора Рихсиеванинг исми-шарифи



янгради. Унинг имкониятларини юқори баҳолаган ҳайъат аъзолари голибга замонавий «Pentium-IV» компьютерини совға қилди. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги 299-мактаб ўқувчиси Гулбахор Гапировга насиб этди ва унга «SAMSUNG» русумдаги мусиқий марказ топширилди. Учинчи мукофот эгаси деб Хоразм вилояти, Қўшқўприк тумани, Жаҳон тиллари лицейи ўқувчиси Маҳбуба Худайбергеновнинг номи қайд этилди. Унга ташкилотлар томонидан таъсис этилган «ROISON» рангли телевизиори туғфа этилди.

Ҳа, кўрик-танлов голиблари аниқланди. Уларнинг муваффақияти сари ташлаган қадамлари ва ҳаракатлари ўзининг муносиб баҳосини олди. Бироқ гап бунда эмас. Назаримизда, эришилган ютуқлар, эгалланган пиллапоярлар кела-

жакдаги юксак ва залворли ютуқлар учун дебоча бўлиб хизмат қилса нур устига аъло нур бўларди.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: кўрик-танлов иштирокчилари; голиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.



Давоми. Боши 1-бетда.

Эски шаҳарни ўзбек халқи тарихининг ажралмас бир бўлаги десак янглишмаймиз. Тошкентнинг икки минг йиллик ўтмишини муҳассамлаштирган бу манзил халқимизга хос бўлган аънаёларни ҳозиргача ифода этиб келмоқда. Шу маънода уни Тошкентнинг юраги деб ҳам аташ мумкин. Аммо минг афсуслар бўлсинки, мустабид тузум даврида Эски шаҳарга мутлақо эътибор қаратилмади. У узоқ йиллар давомида қаровис эътибори. Эгри-бурги кўчалар, бир томони нураб кетган пастькам уйлarning ташқи кўриниши фэйзсиз, ҳиссиз бўлиб, қишда лой, ёзда чанг билан қопланиб ётарди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Эски шаҳар кўп йиллар мобайнида эски ва ночор қиёфада қолиб келди». Уша вақтдаги Сағбон кўчасининг аҳолини бир эслаб кўринг-а. Бир томони Қорасарой, яна бир ёни ҳозирги Фаробий кўчасининг кингир-қийшиқ йўллари юзида озмунча хонадон, озмунча аҳоли яшармиди? Барча қатори уларнинг ҳам ўзига хос юмушлари бор эди. Эрта тонгдан катталар ишга, ўқишга, болалар мактаб ва боғча кўчогига отланишарди. Шунинг учун ҳам бу ўта тор кўчаларнинг икки томони йўловчилар билан гавжум эди. Айниқса, қорли-ёмғирли кунларда бу кўчалардан ўтиш амри маҳол эди. Ўтган-кетган араваю машиналар ўйдим-чўқур жойларга йиғилиб қолган лойка сувларни шундоққина кийимингизга сачратиб, уст-бошингизни «бежаб» кетарди. Ҳозир бу кўчалардан ёзуқишда ўтинг устингизга гард юкмайди.

Бир вақтлар тор ва боши берк бу кўчалар кенгайиб, ерлик яшовчи аҳоли учун ҳар томонлама барча қулайликлар яратилмоқда. Кўчаларни ободонлаштириш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳам кишини қувонтиради. Айниқса, ушбу кенг ва раво кўчаларнинг фойдаланишга топширилишида шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзи иштирок этганлиги аҳоли унутмайди. Албатта, бундай улкан ўзгаришлар шунчаки бунёдкорлик ишларигина эмас, балки юрт етакчисининг Эски шаҳарга нисбатан чексиз меҳри ва мурватининг намунаси сифатида намоён бўлди.

Президентимиз Мустақилликнинг дастлабки йилларида Эски шаҳар муаммосига жиддий эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг машҳур «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қароридан кейин бу тарихий масканда бунёдкорлик ишлари авж олиб кетди. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракати билан баҳам-жиҳатлик ва яхшилик йўлида қилинган меҳнат тез орада ўз самарасини кўрсатди. Ўтган қисқа муддат ичида Эски шаҳар қиёфаси шу қадар ўзгариб кетдики, ҳозир бу ерга келган киши курувчилар, йўлсозлар, лойиҳачилар, транспортчиларнинг амалга оширган ва ошираётган ишларини кўриб ҳайратдан ёқа ушлайди. Шуниси қувонарлики, Эски шаҳарда яхшилик йўлида қилинаётган бу ишлар ҳамон давом этмоқда. Ҳозирда ҳам бу ерда қурилиш, янгилиниш каби меҳнат жараёнлари бир зум тинмайпти. У кун сайин кенг қамров олиб бормоқда. Қурилишлар архитектураси ранг-баранг тус олиб турар жой, даҳаларга фэйз ва тароват бағишламоқда.

Пойтахтнинг 2015 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бош режаси лойиҳасида ҳам Эски шаҳарга алоҳида эътибор қаратилган. Бош режада Эски шаҳарни шундай сақлаб, уни ривожлантиришга оид йўналишлар берилганки, уларнинг барида аввало шу ер аҳолисининг манфаатлари кўзда тутилган, яъни қайси йўналиш Эски шаҳарликларга қулай ва маъқул бўлса, шуни амалиётда қўллаш инobatга олинган.

Айни вақтда Эски шаҳарни янада обод этиш ҳудудда яшовчиларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш, ёшларга яхши билан олиш имкониятларини тугдиретиш, бўш вақтларини намунали ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, йигит-қизларимизга қўшимча бўш ўринларни яратиш, савдо ва коммунал хизмати сифатини янада яхшилаш мақсадида Эски шаҳар ҳудудида 500 нафар ишчи-хизматчини иш билан таъминлаган «Сағбон-текстиль» кўшма корхонаси, ҳар сменада 300 кишини қабул қиладиган оилавий поликлиника, «Истеъдод» ёшлар маркази, учта болалар боғчаси, тўртта стадион, 12 та маҳалла гузары, 5 та маросимлар уйи, Маънавият ва маърифат масканлари, кўплаб маийий хизмат шохобчалари қуриб битказилиб, иш бошлангилгини мамнуният билан қайд этиб ўтишимиз мумкин. Шайхонто-

хур туманининг Қоратош мавзесида эса хорижий ҳамкорлар иштирокида 350 ишчи ўрнига эга бўлган замонавий тикув ва тўкув фабрикаси қурилди.

«Чевар» акциядорлик жамияти негизида германиялик ҳамкорлар билан пайпоқ фабрикаси ҳамда халқаро моливий ташкилотлар сармосия иштирокида полиэтилен қоплар тайёрлайдиган корхона қуриш бўйича амалий ишлар давом этмоқда. Қисқа муддат ичида рўй берган бу каби оламшумул ўзгаришлар Эски шаҳарликлар ҳаётида муҳим даврни бошлаб берди. Шу билан қадим масканда бунёдкорликнинг иккинчи босқичи янги поғонага кўтарилди.

Мутахассисларнинг маълумот беришларича, Эски шаҳарнинг серкатнов Заркайнар, Сағбон, Қодирий кўчаларини янада кенгайтириш, ободонлаштириш, йўловчилар учун хавфсиз йўллар қуриш кўзда тутилган. Қодирий, Сағбон кўчаларининг кенглиги 44 метрга, Заркайнар кўчаси эса 90 метрга етказилади. Шахсий автомобиллар учун алоҳида тўхташ жойи, жамоат транспортлари воситалари учун алоҳида шохбекат бунёд этилади. Қодирий кўчаси остидан пиедалар учун ўтиш йўли қурилиши кўзда тутилган. Мамлакатимиз раҳбари ўтган йилнинг август ойида яна қадимий гўшага ташриф буюриб навбатдаги, яъни аҳолига замонавий инфратузилмаларни яратиш билан боғлиқ вазифалар қандай бажарилаётганлигини кўздан кечирди. Мутасаддиларга навбатдаги бунёдкорлик ишларини бажариш бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, Эски шаҳарни реконструкция қилишдан кўзда тутилган мақсад нима? Президентимиз таъбири билан айтганда, биринчидан, Эски шаҳар Тошкентнинг машҳур марказидир. У ерда қадим замонларда қалъа бўлган. Таъбир жоиз бўлса, шаҳарнинг юраги, пойдевори шу жойдан бошланган. Бу ерларни ободонлаштириш шонли ўтмишимизга ҳурмат-эҳтиром, тарих олдидаги бурчимиздир.

Иккинчидан, Эски шаҳар ҳудуди кўп йиллардан буён эътиборсиз қолдирилган эди. Айтиш мумкинки, иккинчи жаҳон урушидан олдин ва ундан кейин ҳам бу ерда деярли ҳеч нарса ўзгармаган. 1966 йилги зилзиладан кейинги ўзгаришлар ҳам шаҳарнинг бу қисмига дахлдор бўлмаган. На шаҳарсозлик, на ободончилик масаласида кўзга кўринарли ишлар қилинмаган. Тўғри, 90-йилларнинг охирида Эски шаҳарнинг тарихий қисмида ўзгаришлар бошланди. Бироқ кўприклар, йўллар қурилган, газ келгани билан, очик айтиш керакки, бу ердаги аҳвол тубдан ўзгармади. Мана шу масала бошланган ишларни янада жадаллаштириш, янги босқичда давом эттириш, бу тарихий масканни замонавий талаблар асосида ободонлаштириш вазифасини олдимизга қўйди.

Учинчидан, бозор Шарқда азалдан ҳаёт даражасининг кўзгуси бўлиб келган. Шу маънода Чорсу бозорида бир йил олдин бошланган қайта қуриш ва ободонлаштириш ишларини давом эттириш кераклиги аён бўлиб қолди. Шунинг учун Эски Жува бозори фаолиятини тубдан янгилашга киришилди. Тошкентнинг асосий бозори ҳисобланган бу савдо-сотик ўчоғига бир кунда ўртача 200-250 минг одам тўпланади. Биринчигалда бу ерда савдо-сотик қилиш учун нормал шароит яратиш керак. Шундай бўлсинки, инфратузилмалар ана шу одамларнинг талабига жавоб берсин. Шундай экан, ободончилик ишларини олиб борганда транспорт, йўл, санитария муассасалари, сотувчилар учун пештахталар қуриш, харидорларга зарурий шароитларни яратиш бериш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқ зарур.

Бозорга фақат савдо ёки харид учун борилмади. Бу маскан аввало мулоқот, суҳбат, учрашувлар жойидир. Ана шу шарқона аънава бундан кейин ҳам давом этиши керак. Халқимизда «Отанг бозор, онанг бозор», «Юринг, бир бозор айлиниб келайлик» деган гаплар бежиз айтилмаган.

да умумий санитария ҳолатини замон талаблари даражасига кўтариш, замонавий «Модалар уйи» каби бир қатор кўркем иншоотларни барпо этиш режалаштирилган.

Эски шаҳарнинг узоқ йиллик тарихга эга бўлган машҳур маҳаллалари бор. Бу ерда ўз вақтида улуг элтомалар умргузонлик қилишган. Улар киндик қонлари тўкилган мана шу муқаддас жойни бугунгидек обод қўришни бир умр орзу қилиб ўтдилар. Бугун эса Тошкентнинг бу улуг зотларининг руҳлари шод бўлаётганига ишончимиз қомим. Ҳоиси, улар қадамларининг изи бор қадимий Эски шаҳарда янги кўринишдаги маҳалла гузарлари шакланмоқда. Кичкинагина, хилватлигидан киши кўнглига ваҳима солган Чақичмон, Қорасарой, Сағбон кўчаларидаги тор, кўримсиз

ёдорлик ишлари натижасида шахримиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Тошкентимизнинг барча ҳудудларида Истиклол шаърофати ила олиб борилаётган ўзгаришлар, янгилашларнинг асл мақсади халқ фаровонлигини ошириш, эл-юрт ободлигини таъминлаш, Тошкентни жаҳон андозалари даражасидаги шаҳарлардан асло қолишмайдиган масканга айлантиришдек хайрли ишларга қаратилганлиги билан ибратлидир. Агар бу гапни Юртбошимиз таъбири билан айтганидан бўлсак, «Биздан келажак авлодларга овоз ва обод Ватан қолсин», деган сермазмун хитобни амалга ошириш йўлидаги уринишларимизнинг самарасидир.

Заркайнар кўчасида фойдаланишга топширилган икки қаватли, 80 ўринли болалар боғчасида эса кичкинтойларнинг бугунги кун талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари учун ҳамма шароитлар мавжуд.

— Бундай гамхўрликдан болажонларимизнинг ота-оналари беҳад мамнун, — дейишади боғча тарбиячилари бир овоздан. — Негаки болалар келажакимиз, уларнинг тарбиясига мурғаклигидан эътибор қаратишимиз, барча шароитларни яратишимиз зарур. Янги қурилган боғчамиз эса бундай талабларга тўла жавоб бера олади.

Эски шаҳарни қайта тиклаш юзасидан фикр юритар эканмиз, унинг энг катта бозори бўлган «Эски Жува» бозори ҳусусида сўз айтмай иложимиз йўқ. Бозорлар айтмаюрчилиги — эл-юрт фаровонлиги белгиси. Шу боисдан ҳам донишмандларнинг «Қай юртининг халқи қандай яшаётганлигини билмоқчи бўлсанг, энг аввало унинг бозорига бориб кўр» деган гапи бежиз айтилмаган. Шу нуқтаи назардан қараганда Эски шаҳар ҳудудида жойлашган «Чорсу буюм бозори» ҳамда «Эски Жува» дехқон бозори ҳам Истиклол йилларида ўз кўринишини тубдан ўзгартирди. Мана бир неча йилдики, ушбу масканда режа асосида кенг миқёсдаги қурилиш, тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган йилда «Чорсу буюм бозори»да 560 ўринли кийим-кечак дўкончалари қад ростлаган бўлса, яқинда яна бир 220 ўринли миллий либослар бозорчаси фойдаланишга топширилди. Ушбу бозор шохобчаларида яратилаётган қулайликлар нафақат савдо қилувчи тадбиркорларни, балки керакли харидорларни намунали хизмат орқали сотиб олаётган, қулайликлардан баҳраманд бўлаётган харидорларни ҳам мамнун этмоқда. Бозор ҳудудида

бошлаган пайтларимда бозорда хизмат курсатиш имкониятлари пастлигидан қийналардим. Мижоз сизнинг олдингизга бирон нарса харид қилиш ниятида келсаю унга хизмат курсатиш талаб даражаси бўлмаса, кишининг кўнгли хижил бўларкан. Ўтган йилнинг ўрталарида бозор ҳудудига қарашли бир қатор расталар қайта қурилиб, таъмирдан чиқарилганидан сўнг вазият бутунлай ўзгарди. Эндилқида мижозларимизга ҳар томонлама қулай, яхши жиҳозланган расталарда хизмат курсатяммиз. Биз сотувчи ва мижозлар шундай қулайликларни яратиш билан Президентимизга ва бу хайрли ишга бош қўшган барча бунёдкорларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

«Эски Жува» дехқон бозорида эса ўтган йилнинг ўзида гўшт маҳсулотлари шохобчаси ёнида кўркем қовун-тарвуз бозорчаси қад ростлади. Республика-мизда ягона бўлган оқватланиш мажмуасининг фойдаланишга топширилиши эса бозор ҳусусига янада фэйз бағишлади. Мустақилликимизнинг 13 йиллиги арафасида ушбу дехқон бозори ҳудудида яна иккита 300 ўринга мўлжалланган чакана ҳамда 200 ўринли улгуржи савдоотлар расталари фойдаланишга топширилди. Уларни лойиҳага кўра талаблар даражасида тез ва соз қуришда пойтахтимиз бунёдкорлари ғайрат ва шижоат кўрсатди.

Бугун нафақат Эски шаҳар, балки пойтахтимиз маркази ва унинг гавжум манзиллари бутунлай ўзгариб янги қиёфа касб этиб бормоқда. Миллий ва жаҳон меъморчилигини ўзида муҳассам этган муҳташам Сенат биноси, Тасвирий санъат галереяси, «Гранд-Мир», «Ле-Меридиан», «Дедеман» каби ўнлаб муҳташам бинолар шахримиз кўрқича кўрк қўшиб турибди. Бугунги кунда Тошкентимизнинг обрў-эътибори бутун дунёга таралиб, «Шарқ дарвозаси» деб тан олингани бежиз эмас, албатта. Бугун шаҳарни айланган киши унинг кенг ва раво кўчаларида, гўзал ва сўлим боғларида пайдо бўлаётган яшил зоналар, дарахтзорлар, кўкаламзор майдонларни кўриб ҳавас билан унга боқади. Бунинг мисоли сифатида Бешёғоч майдонидаги Алишер Навоий номи билан аталадиган Миллий боғ, Буюк Турон кўчасининг Тошкент универмагидан Космонавтлар кўчасигача бўлган қисми, Шароф Рашидов кўчасининг Алишер Навоий кўчаси билан кешмиган чорраҳасидан Абдулла Қодирий кўчасигача бўлган қисмида яшил ҳудудлар ташкил этиш бўйича олиб борилган ободончилик ишларини келтиришимиз мумкин. Ана шундай кўркем масканларнинг пайдо бўлиши шаҳар экологик мувозанатини сақлашга хизмат қилса, иккинчидан, бу ерда кўп қаватли уйларда истико-мат қилувчиларга мўътадил ҳаво бахш этади, уларнинг шинам шароитларда яшашларини таъминлайди.

Сўз бошини яхшилик билан бошладик. Ниҳоятини ҳам унга ҳамоҳанг яхши сўзлар билан тугатсак мақсадга мувофиқ бўлса керак. Бир донишманддан сўрашибди:

- Тақсир, сиз оқил ва доноликка тенги йўқ инсонсиз. Айтингчи, сизнингча дунёдаги энг қадрли сўз нима?

- Яхшилик, - дея жавоб берибди донишманд. - Сабаб?

- Яхшилик бор жойда ҳамма нарса гўзал, кўнгли обод. Биринчидан, яхшиликка мойил инсон аввало ота-онасига, авлод-аждодларига раҳмат келтиради. Иккинчидан, яхшиликдан пайдо бўлган зарралар бора-бора уммонга айланиб, бундан эл равнақ топади, турмуш фаровонлашади, юрт обод бўлади. Учинчидан, энг муҳими, ҳаётда сен қолдирган яхшилик ҳеч қачон унутилмайди. Зеро, ўтмишдошларимиз: «Сен яхши деган сўздан иморат тиклагинки, то одамлар бу иморат деворига номингни «Яхши» деб ёзиб қўйишин» деган сўзни бежиз айтмаган.

Донишманднинг яхшилик ҳақидаги бу таърифи беҳитиёр Бобур Мирзонинг қуйидаги сатрларини ёдга солади:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,

Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Ҳа, азизлар умримизнинг ҳар бир кун яхшилик билан ўтсин. Истиклол деган буюк иморатнинг юксак-юксаклар қадар буй чўзиши йўлида барчамиз бирдек фидойи бўлайлик. Ўйлаймизки бу йўлда қилган яхшиликларимиз йиллар қадар унутилмайди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ
СУРАТЛАРДА: Эски шаҳарнинг бугунги қиёфаси, ушбу ҳудудда амалга оширилаётган қурилиш ишларидан лавҳалар.
Ҳақимжон Солихов олган суратлар.



ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

бинолар ўрнида ҳозир гўзал ва шинам «Эски шаҳар», «Қорасарой», «Ачаобод» номли маҳалла марказлари барпо қилинган.

Биз Эски шаҳарда олиб борилаётган ишлар билан танишганимизда, турли касб эгалари бўлган кишилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг фикр ва мулоҳазалари билан қизиқдим.

— Авваламбор мен сўзимни Юртбошимизнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида айтаган қуйидаги сўзлари билан бошласам ўринли бўлади, - деб ўйлайман. «Тошкентнинг тобора гўзал ва обод бўлиб бораётгани нафақат пойтахт ахлига, ишончим қомилки, бутун халқимизга қувонч ва ифтихор бағишлайди», деганларидан улар нақадар ҳақ эдилар, — дейди бизга Ўзбекистон Қарамоми, Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов. - Яқинда мен чет эллик бир меҳмон билан ўзаро суҳбатлашиб, ундан шахримиз ҳақидаги таассуротлар билан ўртоқлашишни илтимос қилдим. У ўз фикрини шундай ифода этди.

— Бу шаҳарда биринчи марта бўлишим. Лекин Тошкент менда унутилмас таассурот қолдирди. У Европанинг манаман деган шаҳарларидан ҳеч бир қолишмас экан.

Биргина мана шу сўз, мана шу таърифнинг ўзи юртимиз тобора олам узра донг таратаётганлигини, Ўзбекистонимиз, унинг пойтахти Тошкентимизга бўлган хорижликларнинг қизиқиши кун сайин ортиб бораётганлигини билдириб турибди. Чиндан ҳам Президентимиз ташаббуслари билан амалга оширилаётган кенг қамровли бун-

рўй берган янгилашлардан ҳайратга тушган Самарқанд вилояти, Пойриқор тумани, Челақ шаҳаридан пойтахтимизга меҳмон бўлиб келган Баҳодир Темиров ўз фикрини шундай баён қилади.

— Умримнинг олтин дақиқалари — талабалик йилларим Тошкентда ўтган. Аммо у вақтлар собиқ тузум даври бўлгани учун пойтахтимизга кўп эътибор берилмасди. Хусусан, Эски Жува бозори ҳудуди тор, пастькам кўчалар, алмисоқдан қолган, аллақачонлароқ ўз хизматини ўтаб бўлган эски иншоотлар билан тўлиб-тошганди. Янгилашни қуриш эса ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди. Биз талабалар бир амаллаб бозор-ўчар қилиб кетардик.

Очиги, кечагина Тошкентга келдимю тасаввуримдаги манзаралар остин-устун бўлиб кетди. Эски Жува бозорини таниёлмай қолдим. Ҳозир бу ерда учинчи босқич асосида янги қурилиш ишлари амалга оширилаётгани мени янада қувонтирди. Вилоятга қайтганимда албатта бу қақда дўстларимга хижоқ хижоқ бераман. Ахир мамлакатимиз чекка ҳудудларида яшаётган юртдошларимиз ҳам муҳтарам Президентимиз томонидан пойтахт Тошкентда олиб борилаётган бундай улкан бунёдкорлик ишларидан бохабар бўлиб қўйишса фойдадан холи бўлмайди.

«Чорсу буюм бозори» сотувчиси Мамлакат Қодирова сўздан:

— Ўн йилдан бери қандолат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаман. Савдо ишларини энди

Шарқ дурдоналари



● **ҲИКОЯТ.** Нуъмон ибн Мунзир араб халифаларидан эди. Бир куни чарчаб, ариқ лабига келиб ўтирди. Шу пайт унинг ламағуӣ ходимларидан бири:

— Агар бир кишини шу ариқ лабига келтириб сўйилса қони қайси томонга қараб оқаркин? — деб қолди.

Нуъмон:

— Буни сенда синаб кўриш керак! — деди-да, уни шу ариқ лабига сўйишга буюрди.

Уз мақомида ва жойида айтилмаган сўз одамнинг ўзига душман бўлади.

Бошида ақли кам бўлса кишининг, Тилида сўзи кўп бўлади, дилдор!

● Бир кишининг уйига бир неча меҳмон келган эди. Меҳмон уларни ахшилаб меҳмон қилди. Овқат еб, чой ичиб бўлдилар. Улар яна узок ўтиришди ва туришини хали хаёлларига ҳам келтиришмасди. Уй эгасининг меҳмонларга рухсат бергиси келар, аммо бекорчи меҳмонлар ҳеч қўзғалишмасди. Меҳмон: «Энди сизларга рухсат» дейишга ҳеч ботинолмасди. Улар тушунармикан деб, либосини ечиб, оёқларини узишди ўтирди. Меҳмонлар шунда ҳам кетиш ҳақида оғиз очилмасди. Шунда у уй эгисини очди, ичкари ҳовлига қараб, ўз хотини билан гаплашаётган киши бўлиб:

«Ҳозир, ҳозир туришяпти!» деди.

● Бир ёш бола катталар билан меҳмонда бир товоқдан овқат ер эди. Овқат иссиқ бўлиб, боланинг қўли қуйиб ё олмади. Сўнг ийлагашга тушди:

— Нега ийлагаясан? — сўрашди ундан.

— Овқат иссиқ экан, еяолма-йяман, — деди бола.

— Бўлмас бир оз сабр қил, совийди! — дейишди унга.

— Сабр қилишга-ку, қилманан, аммо сизлар тўхтаб турмайсизларда! — деди бола.

● Уч киши борки, уларнинг ба-дани ёки жони доимо азобда бўлади. Биринчиси, ҳеч бир қуролсиз, менга етиб келмайди деб, душман сафига ўзини урган жангчи. У жангда ўлмасам ҳам бирорта душман қилчидан захм еиши муқаррардир. Иккинчиси, ёш ва сохибжамол хотинга уйланган қари киши. Ёш хотин уни захарлаб ўлдирмаган ҳолда ҳам ёш ва чиройли йигитларга тазма кўзи билан қарайди. Учинчиси, бола-чақаси бўлмаган пулдор киши. Уни гарчи ўғирлаб ўлдириб кетмасада, унинг ўзи бойлигини кимга қолдириш ҳақида қай-ғуриб, азобда ўтади.

● Уч киши истехзода ва масхаралаша сазовордир. Биринчиси, жанг майдонига ботирлар қаторида тушиб, кўпгина душманни қилчидан ўтказдим, деб лоф урса-да, бирор жойида на тилиниш ва на захм бўлмаган киши. Иккинчиси, илму ҳикмат йўлида ўзининг беҳад ривозат чекаётганини мактаган, аммо семиз ва юзлари қип-қизил бўлган киши. Учинчиси, ўзининг қимлиги ҳақида мактаниб, бирор киши ўзи билмаган нарса ҳақида савол берса, саволдан қўрқиб, даҳшатта тушган киши!

● Уч киши доимо ғаму андуҳ-га грифтордир. Биринчиси, уч-қур оти бору аммо уни минол-маган ва минишга қўрққан киши. Иккинчиси, дастурхонда хилма-хил лазиз таом бору аммо уни еишининг уддасидан чиқмаган иштаҳасиз киши. Учинчиси, со-хибжамол хотини бўлиб, ўзи хунук ва касал бўлган киши.

Газетанинг туғилиши инсон боласининг туғилишидан кескин фарқ қилади. Одам боласи воғна етгунча кўп йиллар ўтади. Аммо газета ёки журнал туғилган заҳоти дадил йўлга кириб кетиши шарт. Чунки янги газетанинг биринчи сонини умид билан қўлга олган муштарий унинг ҳар сонини қадам-қадам кузатиб боради. Ундан шу куннинг мавзусидаги қизиқарли мақолаларни излайди, теша тегмаган мавзу ва янгиликларни топиб ўқишга ошиқади. Демак, газета сонма-сон ўз кўриниши ва мазму-нини йўқотмай, муштарийнинг дили ва тилидаги гапларни олдиндан сезиб, ҳис этиб айта олсагина у бир умрлик мухлисини топа олади. Акс ҳолда... Шу маънода қараган-да ишонч билан айтиш мумкинки, «Оқшом»нинг биринчи пойдевори, унга қўйилган биринчи тамал тоши шундай му-стаҳкам, гўзал эдики, ажойиб бу аънава ханузга қадар да-вом этиб келяпти. Турли мил-латдан ташкил топган жамоа аъзоларининг ўзаро ахиллиги ва жипслиги ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Ана шу ахил-лик туфайли жамоа Тошкент ва тошкентликлар учун керакли ва зарур бўлган кўпгина хайрли ишларга, муаммоларни ечиш-га қўл уриб келяпти. Ўша вақ-тларда тахририятга муштарий-ларимиздан йўлланган мактублар ва газе-та хусусида билдирилган фикрлар ҳам юқорида баён қилинган сўзларимизни ис-ботлаб турибди.

Газетамизнинг узок йиллик ҳамкори, энг фаол жамоатчи муҳбири бўлган, филология фанлари доктори, профессор, Малик Му-родов (марҳум) ўша кезлари газета ҳақида шундай сўзларни айтган эди:

— «Оқшом» мен учун доно маслаҳатгўй, йўл-йўриқ кўрсатувчи дастуруламалдир. Базан қизиқ воқеаларга дуч келаман. «Домла, «Тошкент оқшоми»нинг фалон со-нини юборсангиз, унда фалон мақола чоп этилган экан, биз ўқиймай қолдик», дегу-чилар бўлади. Узок-янгиндан уйимизга меҳ-мон бўлиб келганлар ҳам газета ҳақида илқ фикрлар айтишади. Унинг бу қадар ом-малашуви, ўқувчилар қалбига етиб бориб зиё олиб киришининг боиси нимада?

Нима учун узок қишлоқда яшаб туриб, «Оқшом»га обуна бўлолмай қолишса, ёрдам сўраб мактуб йўллашади. Ёки бирор со-нини ўқийёлмай қолишса энг хашр буюми бой-лигидан ажралиб қолгандек ҳолатга туши-шади? Бунинг боиси, газета илк сонлари-дан бошлаб ҳақиқат, адолат ва ҳаққоний-лик учун курашиб келмоқда. У ўз бағридан адабиёт, санъат, хусусан, халқ оғзаки иж-одидан материаллар беришга алоҳида жой ажратди. Одоб-ахлоқ, маънавий кадрият-лар, умумбаشارий фазилатлар ва одатлар ҳақида кўпроқ мақолалар ёритилаётгани га-зета обрўсига обрў, нуфузига нуфуз қўшмоқда.

Мана яна бир хат.

— Ўн фарзандим бор, — деб ёзган экан Чилонзор туманидаги Шахсиддин Исмолов кўчасида яшовчи Қахрамон она Хури Умарова. — Уларнинг кўпчилиги уйли-жойли бўлиб кетишган. Невараларим келиб тури-шади. Пайшанба кунлари «Одобнома» са-ҳифаси чиқишини сабрсизлик билан ку-та-ми. Кейинги пайтда одамлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилиб бораётгани, баъзи туғишчилар арзиманган нарса учун сан-манга боришаётгани ёзилиб, бунинг илди-лари очиб бериляпти. Мен бир нарсага хай-рон бўлиб қоламан. Ота-онаси тулпа-тузук жойда ишлайдиган айрим оналарнинг фар-зандлари ноқобил. Нега бундай? Менимча, «Одобнома» да шунга ўхшаш воқеаларни ҳам акс эттириш зарур. Агар оиланинг тур-рар жойи кўрсатилса янада яхши бўларди.

Турли касбадаги, турли ёшдаги муштарий-ларимизнинг бундай самимий дил сўзлари бизни руҳлантирибгина қолмай, зиммамиз-га катта масъулият ҳиссини ҳам юқар эди. Энг аввало, бундай масъулият ҳиссини се-зишини «Оқшом» газетасининг биринчи му-ҳаррири, иқтидорли журналист ва ёзувчи Саъдулла Кароматовдан урганган эдик.

Газетамизда кўплаб ёзувчилар, шоирлар, журналистлар фаолият кўрсатишган. Унинг таҳлавларини варақсангиз қуйида но-млари келтириляётган собиқ «Оқшом»чилар қаламига мансуб эсда қоларли мақолалар-ни кўплаб учратасиз. Ўзбекистон Халқ ёзу-вчиси Ўткир Хошимов, Ўзбекистон Халқ шо-ири Муҳаммад Юсуф, ёзувчи Ғаффор Хотам-ов, Шоим Сирожддин Саййид, Носир Му-хаммад, Темур Убайдулло, фелетончи Ус-мон Юсуфов, публицист Алиназар Эгамна-заров, Абдуқодир Ниёзов, Ислам Усмонов, Хамид Икромов, Абдуғани Абдуллаев, Раҳ-матулла Файзуллаев, Муродилла Абдулла-ев, Бобохон Шарипов, Карим Норматов, Аб-дусаммад Обиджўаев, Муҳаммадвали Мур-о

дов сингари ижодкорлар томонидан тай-ёрланган саҳифа ва мақолаларни мамну-ният билан тилга олишимиз мумкин.

Хусусан, адабиёт ва санъат бўлими то-монидан Ўзбекистон Халқ шоири Мирте-миринг 70 йиллиги, Ўзбекистон Халқ ёзу-вчилари Асқад Мухтор ва Саид Аҳмадлар-нинг 60 йиллиги муносабати билан тайёр-ланган саҳифалар, шунингдек, Ўзбекистон-да Озарбойжон адабиёти ва санъати кун-лари билан боғлиқ бўлган «Ҳамоҳанг дил-лар кўшиги» саҳифаларини бирма-бир са-наб ўтишимиз мумкин. Айниқса, улар ора-сида намуна сифатида Тошкентда Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатла-рининг олтинчи халқаро кинофестивали очилишига бағишланган саҳифани қайд қилиб ўтишимиз мумкин. У шундай илиқ

Чинар сағоси

**«ОҚШОМ»НИНГ
ЎТГАН КУНЛАРИ
ЎН БЕШИНЧИ ҲИКОЯ**

сатрлар билан бошланади.

«Шаҳримизга хуш келибсиз, азиз кино усталари! Бугун Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари халқаро Тошкент фестивали азим пойтахтимизда олтинчи марта ўз байрогини кўтармоқда. Республи-камиз пойтахти ул қанч қиъанинг тарақ-қийпарвар кинематографчиларини меҳмон-дўстлик билан қутиб олди. Тинчлик, социал тартиққийёт ва халқлар озолидиги учун» шо-ири остида ўтаётган Тошкент кинофести-валлари йилдан йилга кенг шухрат топиб борапти. Дастлаб Осиё ва Африка мамла-катлари кино форуми шаклида вужудга келган бу анжуман 1976 йилдан бошлаб уч қитъа фестивалига айланган. Тошкент фе-стивалининг шухрати тобора ортиб бораёт-ганлиги бежиз эмас. У халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқ, тинчлик учун ку-рашнинг чинакам минбарига айланиб қолди. Турли мамлакатлардан келган кино арбоблари тараққийпарвар санъат бораси-да қўлга киритилган ютуқларни ўртоқлаш-моқдалар, кино санъати муваффақиятлари-дан ижодий ўрганмоқдалар. Тошкент фе-стивали чет эл кино арбобларига ўз ижодий йўлини таллашда катта ёрдам қўрсатмоқ-да. Уч қитъадаги кўпгина мамлакатлар кино санъатида тараққийпарвар, реалистик аъ-налар кучайиб бораётганлиги, чуқур маз-мунли, қизиқарли фильмлар яратилаётган-лигида ана шу анжуманининг ҳам таъсири бор. Шунинг учун ҳам бизнинг меҳмонла-римиз фестивалининг катта маҳорат мак-таби вазифасини ўтаётганлигини кўп бор миннатдорчилик билан қайд этишмоқда».

Ушбу сўзлар шубҳасиз Тошкент йиллар давомида тинчлик, дўстлик шаҳри сифати-да жаҳон маданияти тараққийтига муносив улуси қўшган маънавий ва маданий марказ қаторида дунё халқлари ўртасида шухрат қозониб келаётганлигидан далолат бериб турибди.

Меҳнаткашларнинг ёзги дам олишига ба-ғишланган ва «Шаҳримиз обод ва кўкалам-зор бўлсин» рункидаги саҳифалар ҳам ўқувчи диққатини ўзига тортади. Уларда шубҳасиз ёзги дам олишни мароқли ўт-казиш ҳақида гап боради. Шаҳримизнинг обод ва кўкаламзор бўлиши учун ҳар бир тош-кентликни жонкуяр бўлишига қачиради.

Бугун 1980 йилги «Оқшом» саҳифалари ҳақида сўз юритар эканмиз, шубҳасиз Тўлқин Расулев, Ўткир Хошимов, Игорь Алимов, Абдулла Пўлатов, Тўхтамурад То-шев, Мурод Абдуллаев, Абдуқодир Ниёзов, Алиназар Эгамназаров, Хамид Икромов, Носир Муҳаммад, Раҳматулла Файзуллаев, Муҳаммадвали Муродовлар томонидан ёзилган бир қатор мақолалар ҳам юксак баҳода эканлигини тилга олиб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз.

«Тошкент тарихидан юз лавҳа» рунки йил-лар бўйи давом этиб келди. Бу рунк остида чоп этилган материалларнинг Тошкент та-рихи билан боғлиқлиги ҳар бир муштарий-ни қизиқтирганлиги шубҳасиз. Хусусан, бу-гун шу рунк остида берилган бир мақола — «Шаҳар соатлари ҳақида» ги мақола ху-сусида сўз юритмоқчимиз. Унда шаҳримиз-да пайдо бўлган дастлабки пойтахт соат-лари ҳақида сўз бора туриб, Тошкент куран-тининг яратилиш тарихига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади. Бу хусусда гап борар экан, қуйидаги жумлаларга эътиборингиз-ни қаратмоқ лозим деб топдик.

«Тошкент куранти»нинг таржимаи ҳоли анча қисқароқ. Лекин у ҳам узок йиллар

Ўзбекистон пойтахтининг рамзи бўлиб кел-ди, унинг ажойиб ёдгорлиги бўлиб қолди. У 1947 йилда бунёд этилди. Бу пайт ўруш-дан кейинги даврнинг иккинчи йили бўлиб мамлакат хали уруш жароҳатларини даво-лар, жонажон шаҳарга эсон-омон қайтиб келган жангчиларни тошкентликлар кучоқ очиб қутиб олишар, келмаганларга аза очи-шарди. Ана ўша пайтда Тошкентда Фала-бага ўзига хос ёдгорлик ўрнатиш фикри туғилди. Бу Фалаба ордени рамзи туши-рилган, Озодлик жангчиси ҳайкали ўрнатил-ган, бронзали барельеф туширилган ми-норали соат бўлиши керак эди. Дастлаб қурилиш жараёнида аввалги ўйланган гоғга баъзи ўзгаришлар киритилди. Аммо асосий гоғ сақлаб қолинди. Минорали соат учун аввал «Оқуш» ресторани жойлашган жой, шаҳар боғига кириш қисми танланди. У шаҳар марказини безатиш керак эди. Айнан мана шу жойда авваллари асосий ва маъ-мурий бинолар жойлашган эди. Курант бир неча ой ичида қад ростлади. 30 апрель куни биринчи марта унинг кўнгирилган садоси янгради. Мана йиллар ўтди-ки, курант Тошкент вақтини билдириб турибди. Тош-кентнинг қадимий куранти дўст-ёрлар билан учрашадиган жойга ай-ланди. Ҳар бир тошкентликнинг юрагига яқин, расомларнинг расмларида, сурат-ларида, шоирларнинг лирик шеърларида кўп марталаб акс эттирилди. Шоир тили билан айтганда:

**Курант жаранлайди, Тошкент куранти,
Бинолар барваста, ҳийбон шинам.
Бу юртни кувуччи, азамат, танни,
Шаҳри ҳам ўзидек улғувор кўркам.**

Юқоридаги сатрлар ўқувчини Тошкент тарихининг муҳим бир бўлаги билан та-ништира туриб, унга шу ҳақда етарли маъ-лумот беради. Зеро, ўз шаҳрини севган, уни қадрлаган ҳар бир тошкентлик ўз шаҳри та-рихининг барча қирраларидан хабардор бўлиши керак.

«Оқшом» газеталарининг ўтган кунлари ҳақида гап борганда, узок йиллар сафимиз-да ишлаб ижод машаққатларини биз бил-лан баравар чеккан техник ходимларимиз хизматларини ҳам мамнуният билан эсла-гимиз келади. Бугун уларнинг қай бири ҳамон тахририятимизда ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Қай бирлари турмуш та-қозоси ва оилавий шароит туфайли бошқа ишларга ўтиб кетишган, баъзилари эса набира ва авралар қуршовида кексалик гаптини суришмоқда.

Шундайлардан бири сафдошимиз Ва-лентина Славгородскаядир. Бугун чамал-лаб кўрсак унинг «Оқшом»га ишга келга-нига роппа-роса ўттиз йил тўлибди. Қара-нги, ўшандаги 21 ёшли қадди-баста келиш-ган хушбичим аёл бугун 51 ёшни қорала-ган, сеvimли набиранинг бувиси бўлиб ўтирибди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни эрта-лаб ишга келсак қабулхонада чиройли бир аёл ўтирибди. Олдидаги ёзув машинаси-да нималарнидир ёзарди. У дарҳол тахри-риятда хизмат қилаётган биз шўх-шаддод ёшларнинг диққатини ўзига тортиди. Сўраб-суриштирсак Валентина Ҳасановна бизга котиба бўлиб ишга келган экан. Шу кун-дан бошлаб баъзиларимиз қабулхонага сер-катнов бўлиб қолдик. Бош муҳарриримиз мақсадимизни тушуниб қолди шекилли, бўлар-бўлмаска қабулхонага киришимизни таъқиқлаб қўйди.

— Ҳа шунлар ҳаётимдаги энг бахтли онлар эди, — деб эслайди бугун Вален-тина Славгородская. — Шунанга ахил, иноқ, ҳазилхал, бир-бирига меҳрибон жамоа орасига тушиб қолганимдан хур-санд эдим. Орадан йиллар ўтиб мен ко-тибалиқдан хатлар бўлимига ўтиб ишлаб бошладим. Кейин эса мутахассислигим бўйича матнни оққа кўчириш бўлимига (маш бюро) ўтиб ишладим. Ушанда бўлимда мен билан бирга Валентина Чернова, Лена Чурсина, Рита Закиева, кейинчалик Надежда Крилова, Ира Мас-квитиналар ишлашди. Йиллар ўтиб улар-нинг кўпчилиги оилавий шароити туфай-ли ишдан бўшаб кетишди. Мен эса ҳамон «оқшом»чилар билан бир сафда тахрири-ятнинг компьютер бўлимида ишлаб кел-моқдаман.

Хуллас, «Оқшом» газеталари яхлит бир оила эди. Ўзбек ва рус газеталари бир хилда қувониб, бир хилда ташвиш чекар, ҳаммаиз бир-биримиз билан ака-ука, опа-сингали бўлиб кетгандик. Муҳаррирдан тортиб, фаррошгача барчаннинг ҳуқуқи тенг эди. Бугунги кунда ҳам шу аънава давом этмоқда. Назаримизда оғир меҳнатимизни енгиллаштирган омиллардан бири ҳам шу бўлса керак.

Биласизми?**ЕР ОСТИДА
КАТТА КЎЛ**

• Бельгиянинг Люксембург провинцияси жанубий қисмида улкан ер ости кўли топилди. У кўлнинг йиллар мобайнида вулдуга келган. Ер ости резервуари қарийб 30 миллиард тонна чучук сувни ўз бағрида сақлайди.

Хозирги пайтда ер ости кўли сувидан фойдаланиш учун 5 та насос станцияси қуриш режалаштирилмоқда. Бу станциялар бир кеча-кундузда 50 минг кубометр сувни юқорига чиқариб беради.

Ранг-баранг**олам****ХАР ЎН БЕШ
ДАҚИҚАДА**

• «Ия машинам қаерда!» — ана шундай савол билан у ёқ бу ёққа алаңлаб, тинчини йўқотган, саросимага тушган римликларни шу кунларда тез-тез учратиш мумкин.

«Мессаджеро» газетасининг гувоҳлик беришича Италия пойтахтида бундай ҳолат ҳар 15 дақиқада содир бўлиб турар экан. Биргина 7 ой ичида шаҳарда 19 минг машина ўғирлаб кетилган. Газетанинг ҳисоб-китобига кўра ҳар кун 90 тача машина ўғирланади, бунга яна автомобилларда содир этиладиган ҳар кунги 180 ўғирлик қўшилса, вазият анча ойдинлашади.

**СЎҚИР
ҚАРОҚЧИ**

• «Сан-Францискодаги Маркет-стрит кўчасида жойлашган «Банк оф Америка» бўлимини ўмаринга уриниш бўлди». Бу хабар тезликда барча маҳаллий газеталар, радио ва теле-станцияларнинг қулоғига етиб борди.

Бу воқеанинг айнан Калифорнияда содир бўлганини унча шов-шувли хабар деб бўлмаса-да, (бу ерда бундай ҳол оdat-дагидек қабул қилинади) ҳар ҳолда одамлар диққатини жалб қилди. Гап шундаки, банкни босган омадсиз талончи кўзи ожиз, қулоғи унча эшитмайдиган 34 ёшли Ричард Донбар бўлиб, у яшаш учун ҳеч вақоси қолмаганидан шундай қилишга мажбур бўлибди.

У ҳатто қўлга олишаётганида қаршилик кўрсатишни ҳаёлига ҳам келтирмабди.

Миннайдорғилик**БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...**

Куни кеча 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ва иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги бутун Республикамизда катта тантана билан нишонланди.

Жойларда она юрт тинчлиги йўлида жонини қурбон қилган мард, жасур ўғлонлар хотираси ёдга олиниб, таъзим бажо этилди, уруш ва меҳнат фахрийларига бекіёс хизматлари учун юксак эътибор, иззат-икром кўрсатилди.

Дарҳақиқат, бу кунларга кимлар етди, кимлар етмади, азиз жонини элу юрт омонлиги йўлида тиккан юртдошларимизга ҳар қанча таъзим бажо этсак камлик қилади. Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар Кенгаши шахримиздаги вазирлик, компания, ассоциация, агентлик, корхона, ташкилот, му-

ассаса ва шаҳар ҳокимлигининг бошқармалари раҳбарларига, шунингдек тадбиркорларга Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан шахримиздаги уруш ва меҳнат фахрийларини, ётиб қолган якка ёлғиз кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаганлари ва уларга кўрсатган саховатлари ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаганлари учун ўз миннатдорчилигини билдириб, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган хайрли ишларига омадлар тилайди.

«Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар Кенгаши

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ХАЛҚ БАНКИНИНГ
Тошкент шаҳар филиали**

Танлов асосида куйидаги лавозимларга ишга таклиф қилади:

Юрист

Хайдовчи-инкассатор

Компьютер технологиялари бўйича мутахассис

Танловда қатнашувчи номзод:

— юрист — олий юридик маълумотга эга ва камида 2 йиллик мутахассислик бўйича иш стажига;

— хайдовчи-инкассатор — 30 ёшдан 40 ёшгача бўлган, армия сафида ҳақиқий хизматни ўтаган, камида 5 йиллик хайдовчилик стажига эга ва ўрта махсус маълумотлиги;

— компьютер технологиялари бўйича мутахассис — компьютер технологиялари бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотга эга, компьютерда дастурлаш тилларини билиши;

Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда қайд этилган бўлиши шарт!

Бизнинг манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги, 6.

Тел 45-35-44, 45-35-52

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизнинг хонадонингизда, иш жойингизда ва бошқа жойларда кўнглингнизи хижил қилаётган ҳашаротлар: пашша, чивин, суварак, ўрин-кўрпа қандаласи, сичқон, каламушлар пайдо бўлса, ҳеч иккиланмай, Тошкент шаҳар Дезинфекция станцияси ва хўжалик ҳисобидаги туман дезинфекция станцияларига мурожаат қилинг. Бу ердаги малакали мутахассислар Сизларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсат этган дезинфекцияловчи моддалар билан пуллик хизмат кўрсатадилар ва ёрдам берадилар. Ташкилот-муассасалар, шунингдек корхоналар шахсий мол боқувчилар билан ҳам йил бўйи хизмат кўрсатиш учун нархномалар асосида шартномалар тузадилар.

Тошкент шаҳар Дезинфекция станцияси ушбу манзилда жойлашган:

ҚОРАСАРОЙ КЎЧАСИ 341-А уй. Телефон рақамлари: 398-74-36, 398-74-33, 398-74-35.

Куйида хўжалик ҳисобидаги туман дезинфекция станциялари манзиллари ва телефон рақамларини

маълум қиламиз:

1. Учтепа тумани дезстанцияси: 22-мавзе Ҳ.Турсунқулов кўчаси, Тел: 117-45-21, 74-19-96.

2. Бектемир тумани дезстанцияси: Ҳ.Бойқаро кўчаси, 48-уй. Тел: 195-26-06.

3. Сергели тумани дезстанцияси: Мардлик кўчаси, 56-уй. Тел: 58-52-44.

4. Миробод тумани дезстанцияси: Помир кўчаси, 13-уй. Тел: 191-13-64.

5. Собир Раҳимов тумани дезстанцияси: Уста Ширин кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй. Тел: 148-12-54.

6. Ҳамза тумани дезстанцияси: Ўш кўчаси, 34-уй. Тел: 191-75-46, 191-47-73, 191-53-48.

7. Чилонзор тумани дезстанцияси: Арнасой кўчаси, 7-уй. Тел: 53-57-56.

8. Юнусобод тумани дезстанцияси: Манас кўчаси, 19-уй. Тел: 133-11-56.

9. Яқкасарой тумани дезстанцияси: Муқанна тор кўчаси, 5-уй. Тел: 54-09-61.

**ҲУРМАТЛИ БИТИРУВЧИ ЙИГИТ ВА
ҚИЗЛАР!**

Сизларни Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ўқув-даволаш комплексининг «Тиббиёт коллежи»га 2005-2006 ўқув йилига куйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

9-синф негизида

Мутахассислик	Битирувчилар қабул қилинади	Ўқиш муддати	Ўқиш олиб бориладиган тил
«Акушерлик иши»	9-синф	3 йил	Ўзбек тили
«Ҳамширалик иши»	9-синф	3 йил	Ўзбек тили
«Farmatsiya»	9-синф	3 йил	Ўзбек тили

Манзилимиз: Шайхонтохур тумани, Уйғур кўчаси, 305-уй Мўлжал: «Перинатал марказ» (1-туғруқхона) 53,46,35-автобуслар, 8-трамвайнинг «Кўкча дарвоза» бекати.

**2005 йил 14 май куни «Очиқ
эшиklar куни»га марҳамат!
Ўқишга марҳамат!**

Мағнабият**НОЁБ ЭКСПОНАТЛАР
КАТАЛОГИ**

Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи экспонатларга бой. Миллий хонарандчилик санъати намуналари сифатида юзага келган бадий буюмлар ҳам музей экспозициясидан ўрин олган.

Томошабинларга қулайлик туғдириш мақсадида ушбу экспонатлар бўйича қатор нашрлар амалга оширилди. Музей фонди бўйича умумий илмий каталог тузиш ишлари эса ниҳоясига етди.

Малакали мутахассислар томонидан амалга оширилган бу жиддий илмий экспонатларни қийналмай аниқлаш, уларнинг ҳар бири тўғрисида маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

Бу каталогни алоҳида нашр этиш ҳам кўзда тутилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

**Хўжалик юртувчи субъектлар
раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар
ДИҚҚАТИГА!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз куйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57,
55-67-42, 55-19-73.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Футбол

САФАР КЎНГИЛДАГИДЕК ЯКУНЛАНДИ

Кейинги йилларда спортнинг бошқа турлари қатори мини-футбол ҳам ривожланаётганлиги, мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси халқаро мусобақаларда омадли иштирок этаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўқув-йигини машғулотларини ўтказган мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари сафар давомида 5 та клуб билан терма жамоаси — «Эфа» — 4:3, Ўзбекистон терма жамоаси — «Тулпор» — 4:1, Ўзбекистон терма жамоаси — «Ли ДДД» — 3:3, Ўзбекистон терма жамоаси — «Виза Синара» — 2:1

ТАҚВИМДА ЎЗГАРИШ

Жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг иккинчи босқич иккинчи давра мусобақаларига қизгин ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон терма жамоаси таркибига «Пахтакор», «Маъшал», «Локомотив», «Самарқанд-Динамо» ҳамда «Насаф» жамоаларидан футболчилар жалб этилганлиги сабабли XIV миллий чемпионати бешинчи турда ўзгариш содир бўлди.

Маълумки, миллий чемпионатнинг бешинчи турда «Пахтакор» — «Металлург» командалари ўзаро куч синашиши лозим эди. Ушбу учрашув Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан номалум муддатга қолдирилди.

МИНТАҚАМИЗДА БИРИНЧИ

Болалар футболини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда мазкур федерациянинг болалар футболни ривожлантириш бўлими саъй-ҳаракатлари билан юртимизнинг турли шаҳарларида болалар мурабийлари учун бериладиган «С» лицензияси бўйича ўқув курслари ташкил этилган.

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида қўшма мамлакатлар футбол мутахассислари иштирокида «Про» лицензияси учун халқаро курс ташкил этилди.

Шуниси эътиборлики, хориж жамоаларида ҳам ишлаш ҳуқуқини берувчи «Про» лицензиясига ҳали Осиё мамлакатлари мурабийларидан ҳеч ким сазовор бўлмаган. Ўзбекистон футбол федерациясидан маълум қилишларича, «Бухоро» жамоаси бош мурабийи Усмон Тошев айни кунларда Куала-Лумпурда ушбу курс машғулотларида таҳсил олаётган. Эндилда Усмон Тошев курсни муваффақиятли яқунласа минтақамизда биринчилардан бўлиб «Про» лицензиясини қўлга киритади.

(Ўз мухбиримиз)

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг маънан етуқ, зукко, билимдон бўлиб вояга етишларида китобнинг аҳамияти бекиёс.

Тан олиш керак, ёшлар тарбиясининг шаклланишида китобнинг ўрнини ҳеч қандай востита боса олмайди. Чунки китоб фарзандларимиз маънавий яти ҳамда билим даражаси юксалишида, ҳаётга теран кўз билан боқишида катта рол ўйнайди. Ўқувчи ёшлар орасида китоб мутолаасига бўлган меҳрин ошириш муҳим масалалардан бири. Шу боисми, Бектемир туман Марказий кутубхонасида ёшлар ўртасида китобхонлик кечалари, кўрик-танловлар ўтказиш одатий ҳолга айланган.

Куни кеча мазкур зиё масканида ўтказилган кўрик-танлов «Китобсеварлар» деб номланди.

Туман Марказий кутубхонаси маъмурияти ташаббуси билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган ушбу кўрик-танловда 30-муқиқа мактаби ўқувчилари ўзаро беллашди. Ўн нафар ўқувчи икки гуруҳга бўлинган ҳолда тўртта шарт бўйича ҳакамлар ҳайъатига китобсеварлик борасида тўплаган билимларини намойиш этишди. Шуниси эътиборлики, ушбу

тадбирда қатнашган 4-6-синф ўқувчиларидан иборат гуруҳ аъзолари ҳам, 7-9-синф ўқувчиларидан таркиб толган гуруҳ аъзо-

да танлов иштирокчилари ушбу тадбирга пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди.

Ўқувчиларнинг маънавий онги ҳамда дунёқараши шаклланишида китобнинг аҳамияти бекиёс, — дейди бу ҳақда Бектемир туман Марказий кутубхонаси раҳбари Мавлуда Аширбоева. — Шу боис ҳам ушбу танловни ўтказаямиз. Дарвоқе, мамнуният билан таъкидлаш имконини, кейинги йилларда кутубхонамиз аъзоларининг сони кескин кўпайиб бормоқда. Китобхонларнинг аксариятини ёшлар ташкил этаётгани қувонарли ҳол. Бугунги кўрик-танлов фарзандларимизнинг китобга бўлган меҳрин янада оширишига шак-шубҳа йўқ.

Дарҳақиқат, тўрт шарт бўйича уюштирилган ушбу танлов қизқарли ўтди. Тадбирга тақлиф этилган туман 1-маданият уйи хушовоз хонандаси Исмаилов Ризаев томонидан ижро этилган дилрабо куй-қўшиқлар кеча файзига ўзгача бир шухуқ бағишлади.

Тадбир якунида ҳакамлар ҳайъати томонидан Саодат Валломова ҳамда Саодат Саримсоқовалар ўз гуруҳларининг ғолиби деб эълон қилинди. Ғолибларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Акбар йўлдошев


СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Маниовлар

КИТОБСЕВАРЛАР БЕЛЛАШДИ



лари ҳам китобсеварликда бир-бирларидан қолишмадилар. Шуниси таъкидлаш лозимки, баъдий адабиётдан келтирилган парчаларни аниқлашда, тест саволларига тез жавоб қайтаришида, қизқарли воқеалар ва эртаклар асосида лавҳаларни тасвирлаб бериш-



Спорт

ЁШЛАР КУЧ СИНАШИШДИ

Шаҳримиздаги «Динамо» спорт-соғломлаштириш жамиятида Хотира ва Қадрлар кунига бағишланган улкан спорт байрами бўлиб ўтди. Унда мингга яқин спортчилар иштирок этди.

Мусобақаларда ёш, умидли спортчилар енгил атлетика, футбол, пневматик куролдан ўқ отиш, бокс, самбо, теннис, дзюдо, тош кўтариш, арқон тортиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Жаҳон спорт ишқибозлари ҳам қизгин беллашувларда иштирок этишди. Улар тўғри ҳалқага ташлаш, велосипед пойгаи ҳамда велосипедда турли шакллар бўйлаб ўчиш бўйича куч синашишди.

Шу кунги спорт байрамини томоша қилгани келган мухлислар асло зерикшмади. Улар учун у-шу, акробатика ва қўл жанги усталари кўргазмалли чиқишлар

қилишди. Арқон тортиш мусобақаларида 6 та жамоа баҳс юритган бўлса, тош кўтариш ҳамда ўқ отиш бўйича йигирмадан спортчи ғалаба учун кураш олиб борди.

Бирок бокс, самбо ва дзюдочиларнинг кескин ва муросасиз беллашувларида ҳар бир спорт тури бўйича 300 га яқин яккакураш усталари куч синашганлиги туфайли ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Олтита футбол жамоаси ҳам энг кучлиларни аниқлаш мақсадида ўзаро баҳс юритди.

Қолиб ва совриндорлар дипломлар ва қимбат баҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: мусобақа мана шундай ҳаяжонли дақиқаларга бой ўтди. Алексей Попов олган суратлар



МУҲИМ УЧ ОЧКО

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 6-тур учрашувлари шахримиз шарафини ҳимоя қилаётган «Трактор» жамоасига муҳим уч очкони туҳфа этди.

Шуниси қизқик, жорий йилги мавсумда Вадим Абрамов шогирдлари анча нотекис ўйин кўрсатиб мутахассислар мухлисларни ҳайратга солишмоқда. Шу боисми, «Трактор» жамоасига ғалаба қозониш зарур эди. Бу гал ҳозирча турнир жадалининг қуйи поғоналарида бораётган «Бухоро» жамоаси билан меҳмонда ўйнаган «Трактор» футболчилари уюшқоқ ҳолда, сермазмун ўйин намойиш этишди. Тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин самара бериб, тракторчилар 90 дақиқа мобайнида мезбонлар дарвозасини уч мартаба аниқ нишонга ола билдишди. Нуъмон Ҳасановнинг пенальтидан 2 марта дарвозани аниқ нишонга олиши ҳамда Олим Навкаров томонидан киритилган гол тошкентликларга муҳим ғалабани туҳфа этди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» - «Сўғдиёна» - 2:0, «Тўпаланг» - «Навбахор» - 1:1, «Самарқанд - Динамо» - «Насаф» - 0:0, «Шўртан» - «Қизилқум» - 0:2.

Анвар йўлчиев



— Омбор мудирлигига ишга кирмоқчи эдим. Абдураул Ҳақимов чизган расм.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақми — 2 босма табоқ обрест. усулида босилади. 3868 нускада босилади. Қўғоқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба,chorshanba, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг имконини.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрий-нашриётилик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.